

Саховатли халқимиз кўмаклашга ҳар доим тайёр



Саховатли халқимиз кўмаклашга ҳар доим тайёр

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ушбу синови кунларда халқимизни янада жипслаштиради десак, муболаға эмас. Президентимиз таъбири билан айтадиган бўлсак: “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати – давлатимиз ва халқимиз қудратининг амалий намоёнидир”.

Сух туманида ҳам ушбу эзгу ташаббус рўёби йўлида амалий ҳаракатлар бошланди. АТ Халқ банки Сух тумани филиалида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-Ф фармойишига асосан “Саховат ва кўмак” жамғармасининг махсус ҳисоб рақамлари очилди. Саховатпеша инсонлар ўз маблағларини миллий ва хорижий валютада ушбу ҳисоб рақамларига ўтказишлари мумкин. Айнан “Саховат ва кўмак” жамғармасининг ҳисоб рақамига туманда биринчилардан бўлиб, туман ҳокими Фаррух Усаров бир ойлик иш ҳақини ўтказиб берди. Зотан, хайр-эҳсон ва саховатнинг миқдори ҳам, чегараси ҳам бўлмайди. Чин дилдан, самимийлик билан қилинган эҳсон баракалидир. Президентимиз таъкидлаганидек – “Рамазон ойида амалга ошириладиган эҳсон ва хайриялар манзилли бўлади, ифторликларга сарфланадиган маблағлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолининг кам таъминланган қатламларига йўналтирилади”.



Айни хайр-саховат, ижтимоий кўмакка мўхтож аҳоли, ночор оилаларни қўллаб-қувватлаш бобида тадбиркорларимизнинг ҳам арзирли ҳиссалари бор. “Президентимиз томонидан биз тадбиркорларга жуда кўп қулайликлар, шароитлар яратиб берилган. Мен Президентимиз раислигидаги видеселекторни томоша қилдим. Мўхтарам Президентимизнинг “Имкониятидан келиб чиқиб, қайсидир тадбиркор бир ойда мисол учун, 10 та, бошқа бири эса 20 та оилага кўмаклашиши, энг муҳими мухтож оилалар аъзоларини ишга жалб қилиши мумкин. Давлат томонидан ўз навбатида бундай тадбиркорларга солиқ, лизинг, кредит тўловлари, зарур ресурслар билан таъминлаш бўйича турли имтиёз ва преференциялар берилади. Яъни, бу аҳолига давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари орқали кўрсатиладиган саховат ва кўмак бўлади” деган сўзларидан мен тадбиркор сифатида тўлқинланиб кетдим. Дарҳақиқат, айни бошимизга соновли кунлар келган бир пайтда, айниқса, рўзаи рамазон кунларида биз бундай хайрли ва эзгу амаллардан четда қолмаслигимиз керак. Ҳозир айни саховат амаллари учун ҳаракат қилиш палласи. Мен ҳам Президентимиз ташаббусларига айтар сўзим бор” – дейди биз билан сўхбатда Ғазнов маҳалласидаги “Мулки Парвина” МЧЖ раҳбари Мадалихўжа Аъзамов. Тадбиркор ўз хоҳиши ва ташаббуси билан бугун маҳалладаги 20 нафар ёшларни корхонасига ишга қабул қилди. 20 нафар Ғазновлик ёшлар “Мулки Парвина” МЧЖ га ишчи сифатида уч ойлик муддатга ишга қабул қилинди.



“Биз асли ҳар йили шароит туфайли ишлаш учун Россияга бориб келардик. Бу йили коронавирус туфайли боролмадик. Энг аввало, Президентимизга раҳмат, чунки биз ёшлар ҳамиша Юртбошимизнинг эътиборидамиз. Тадбиркоримизнинг қилган эзгу амаллари эса, барча мақтовларга лойиқ. Раҳмат!” – дея меҳнат шарномасига қўл қўйди Зоҳидов Бекзоджон. Энди бу ёшлар тадбиркор томонидан бунёд этилаётган меҳмонхона қурилишида бевосита иштирок этишади.



Ёшлар бандилигини таъминлаш мақсадида тумanning биринчи сектори, Тул маҳалласи ҳудудида яна бир хайрли ишга асос солинди. Туман ҳокимининг бевосита ташаббуси билан Тул маҳалласининг Сурати массивида ёшлар интенсив боғи ташкил этилади. Бугун мутасаддий идоралар ҳамкорлигида маҳаллада жойлашган қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер майдони ҳудуд ёшлари ихтиёрига берилди. Майдони салкам 5 гектар бўлган майдонда қарий 50 нафар ёшларнинг бандлиги таъминландиган бўлди.





Ушбу жараёнларда оммавий ахборот воситалари вакилларининг бевосита иштироки, улар томонидан амалга оширилаётган барча ишлар эътирофга лойиқ. Тумандаги ўзгаришлар, бугуннинг мавзўси ҳар куни туманнинг Сух ТВ ижодкорлари саъй-ҳаракатлари орқали экран юзини кўрмоқда. Техник ходимлар, телеоператорлар маҳорати туфайли видеокамера ва дронлар ёрдамида олинаётган ҳар бир тасвир маҳоратли журналистлар томонидан тайёрланаётган чиройли лавҳа ва репортажлар сифатида телетомошабинларга тақдим этилмоқда.



Албатта, халқимиз ва айниқса, ёшлар манфаатини кўзлаб қилинаётган бундай эзгу иш ва хайрли амаллар давомли бўлишига ишонамиз. Хайрли амаллардан баҳраманд бўлаётган халқимиз, берилаётган эътибор ва ғамхўрликлардан фойдаланаётган ёшларимиз Ватан ва юрт ривожига йўлида биртану биржон бўлишларига ҳамма ишончимиз комил. Зотан, астойдил қилинган меҳнат ва фидоийлик – самарали натижалар гаровидир.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-04-24 17:36:43